

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТЎРАКУЛОВ ЎКТАМЖОН НУРМАМАТОВИЧ

**ЭНДОВИЗУАЛ БИЛИАР ХИРУРГИЯДА АСОРАТЛАР СТРУКТУРАСИ
ВА САБАБЛАРИНИНГ СИСТЕМ ТАҲЛИЛИ ҲАМДА УЛАРНИ
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2019

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of dissertation abstract of doctoral dissertation

Тўракулов Ўктамжон Нурмаматович

Эндовизуал билиар хирургияда асоратлар структураси ва сабабларининг систем таҳлили ҳамда уларни профилактикасининг замонавий жихатлари

3

Туракулов Уктамжон Нурмаматович

Системный анализ структуры и причин осложнений в эндовизуальной билиарной хирургии и современные аспекты их профилактики

29

Turakulov Uktamjon Nurमतamovich

System analysis of the structure and causes of complications in endovisual biliary surgery and modern aspects of their prevention

57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

61

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТЎРАКУЛОВ ЎКТАМЖОН НУРМАМАТОВИЧ

**ЭНДОВИЗУАЛ БИЛИАР ХИРУРГИЯДА АСОРАТЛАР СТРУКТУРАСИ
ВА САБАБЛАРИНИНГ СИСТЕМ ТАҲЛИЛИ ҲАМДА УЛАРНИ
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.DSc/Tib242 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Назиров Феруз Гафурович тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик
Расмий оппонентлар:	Цвиркун Виктор Викторович тиббиёт фанлари доктори, профессор Хакимов Мурад Шавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор Ураков Шухрат Тўхтаевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.И. Пирогов номидаги тиббий-хирургик марказ» Федерал давлат бюджет муассасаси

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (91-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Х.К. Абралов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
муовини, тиббиёт фанлари доктори

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, “бугунги кунда ўт йўлларининг (ЎЙ) чандиқли торайишлари билан беморлар сонининг ортиши кузатилмоқда, уларнинг таркибида эса ятроген жароҳатлар улуши 82-98% ни ташкил қилади»¹. Холециститларда бажариладиган бирламчи амалиётлар вақтида техник хатоликлар оғир оқибатларга олиб келади ва жуда мураккаб реконструктив амалиётлар ўтказишни талаб қилади, унда ўлим кўрсаткичи эса 15-20% гача етади. «Ўз навбатида, ЎЙда ўтказиладиган реконструктив амалиётлар ҳам асоратлар ривожлани билан кечади ва уларнинг частотаси 4,5-25% га етади. Билиодигестив анастомозлар торайишининг шаклланиши реконструктив амалиётлар натижаларини тўлиқ йўққа чиқаради ва беморлар аҳволини ёмонлаштиради»². ЎЙ ятроген жароҳатлари профилактикаси масалалари бугунги кунда кўп сонли мақолаларда кенг миқёсда эълон қилиниб, халқаро симпозиум ва анжуманларда муҳакма қилинмоқда. Хирургларни тайёрлашдаги камчиликлар ва маҳаллий анатомик шароитлар лапароскопик холецистэктомия вақтида ЎЙ тасодифий жароҳатларининг хавф омили бўлиб ҳисобланади. Асосий сабабларга ўт қопи ва ўнг жигар ўйўли томонидан анатомик хусусиятлар ва анатомик структураларни кесишдаги нуқсонлар, гемостаздаги камчиликлар ва йўлларнинг термик жароҳатлари киради. Таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олган ҳолда, ўт тош касаллиги (ЎТК) хирургиясида даволаш-диагностика тактикаси ва асоратлар профилактикасини танлаш муаммоси ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан жуда ҳам долзарб ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида ЎЙ деворида механик ва термик жароҳатдан сўнг ушбу шикастланиш механизмининг тарқоқ эканлиги ва жараёнга магистрал ўт йўлларининг ҳам жалб этилишини ҳисобга олган ҳолда морфологик ўзгариш хусусиятларини ўрганишга қараилган бир қатор мақсадли илмий изланишлар олиб борилмоқда. ЎЙ жароҳатлари билан беморларга амалиёт ўтказишга ҳамда травма механизмининг шаклланишига таъсир қилувчи конкрет мезонлар таҳлили яна бир асосий масалалардан бўлиб ҳисобланади. Ушбу тоифа беморларни даволаш натижаларини кўп томонлама қиёсий ўрганиш масалалари алоҳида қизиқиш ўйғотади ва бу танланган ечимларнинг тўғрилигини объектив баҳолаш, ятрогениялар сабабларининг ретроспектив таҳлили эса бирламчи амалиётлар асоратларининг профилактикасини ўтказиш имконини беради. Эндовизуал билиар хирургияда чуқурлаштирилган тайёргарлик ўтказиш устунликларини янада асослаб

¹ Conrad C, Wakabayashi G, Asbun HJ, Dallemagne B, Demartines N, Diana M, Fuks D, Giménez ME, Goumard C, Kaneko H, Memeo R, Resende A, Scatton O, Schneck AS, Soubrane O, Tanabe M, van den Bos J, Weiss H, Yamamoto M, Marescaux J, Pessaux P. IRCAD recommendation on safe laparoscopic cholecystectomy. // J Hepatobiliary Pancreat Sci. 2017 Nov; 24(11):603-615.

² Elmunzer JB, Feussner DJ, Payne MK, Nadig SN, Yamada R. Combined Endoscopic-Percutaneous Biliary Restoration Following Severe Bile Duct Injury During Cholecystectomy. // Am J Gastroenterol. 2018 Mar; 113(3):328.

бериш учун структуралаштирилган ўқув ва тренинг дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ҳам долзарб бўлиб ҳисобланади.

Республикамиз соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида ЎТК ва унинг асоратлари билан беморларни хирургик даволаш даволаш натижаларини яхшилашга йўналтирилган кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳисобига ошириш ҳисобига кўрсатилаётган юқори технологияли хирургик хизмат сифатини яхшилаш борасида муайян ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар зарур. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»³. Ушбу масалаларни амалга ошириш, шу жумладан, лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭ) вақтида асоратларнинг ривожланиши сабабларининг синчков таҳлили, улар профилактикасининг диагностик ва амалиёт тактик-техник жиҳатларини стандартлаштириш ва ихтисослаштирилган ўқув-таълим дастурларини устувор ривожлантиришни танлаш йўли билан ЎТК ни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.⁴ ЎЙ ятроген жароҳатлари частотасини камайтириш ҳисобига кўрсатилаётган

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎЗР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

⁴ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Gallegos Chavez DF, Udaquiola JE, Vagni RL, Lobos P, Moldes JM, Liberto DH. Minimally invasive treatment of biliary tract injury secondary to closed abdominal trauma: Clinical case. // Arch Argent Pediatr. 2018 Dec 1;116(6):e778-e781; 139. Rodrigues G, Pandit SR, Khan A, Veerabharappa B, Jayasankar B, Anaparti R. High insertion of cystic duct at the gallbladder fundus: An undescribed anomaly! // J Minim Access Surg. 2019 Jul-Sep;15(3):256-258; van de Graaf FW, Zaïmi I,

юқори технологияли хирургик ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган илмий изланишлар дунёнинг кўпчилик етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда, шу жумладан: National Surgical Research Collaborative (London, United Kingdom); Cirugía de Trasplantes y Hepatobiliar, Unidad Médica de Alta Especialidad Hospital de Especialidades, Instituto Mexicano del Seguro Social, (Veracruz, México); West China Hospital of Sichuan University (Chengdu, China); Department of Surgery, Western Sydney University School of Medicine (Sydney, Australia); Department of Hepatopancreatobiliary surgery, Mayo Clinic (Rochester, USA); Department of Hepatobiliary surgery, Asan Medical Center, University of Ulsan College of Medicine (Seoul, Korea); Departments of Hepatobiliary Surgery and Pathology, Zhujiang Hospital, Southern Medical University; Regenerative Medicine Institute of Southern Medical University (Guangzhou, China); Medicinal Plants Research Center, Yasuj University of Medical Sciences (Yasuj, Iran); Department of General, Transplant & Liver Surgery, Central Teaching Hospital, Medical University of Warsaw, Poland, (Warsaw, Poland); Surgery Department, Hôpital Sud, Centre Hospitalier Universitaire, (Rennes, France); Division of Hepatobiliary Surgery, Centre Hospitalier Universitaire Sainte-Justine (Montreal, Canada); А.В. Вишневский номидаги миллий тиббий хирургия тадқиқот маркази (Москва, Россия), академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Тошкент, Ўзбекистон).

Дунё миқёсида профилактика алгоритмини ишлаб чиқиш ва мутахассисларни ўқитиш сифатини ошириш ҳисобига ЎТК билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасида турли ечимлар тавсия этилган, шу жумладан: Ўйдаги реконструктив амалиётлар 4,5-25% ҳолларда асоратлар ривожланиши билан кузатилиб, булар шакллантирилган билиодигестив ва билиобилиар анастомозларнинг торайиши билан боғлиқлиги, уларнинг чандиқланиши эса дастлабки уч ой ичида энг фаол кечиши исботланган (Surgery Department, Hôpital Sud, Centre Hospitalier Universitaire, Rennes, France); Ўй ятроген жароҳатлари частотасини камайтириш мақсадида ЎТК асоратланган шаклланинг лапароскопик хирургияси муолажаларига ихтисослаштирилган ўқитишни билиар хирургия бўйича структуралаштирилган ўқув дастури цикли сифатида киритиш зарурлиги аниқланган (Department of Hepatopancreatobiliary surgery, Mayo Clinic,

Stassen LPS, Lange JF. Safe laparoscopic cholecystectomy: A systematic review of bile duct injury prevention. // *Int J Surg.* 2018 Dec; 60(164-172); Zhang Q, Wang JX, Wang L, Ren JJ, Xiao R. Modified complex open cholecystectomy reduces the risk of bile duct injury: A surgeon's experience. // *Asian J Surg.* 2019 Mar;42(3):522-523; Pesce A, Palmucci S., La Greca G., Puleo S. Iatrogenic bile duct injury: impact and management challenges // *Clin Exp Gastroenterol.* 2019; 12: 121–128; Ozkan OF, Akbal E, Goret CC, Goret NE, Ozturk A, Cıkmak O, Koçak E. Intraoperative Endoscopic Retrograde Cholangiopancreatography in patients with complex benign biliary tract pathologies A case series. // *Ann Ital Chir.* 2018;89:413-418; Kurata M, Honda G, Okuda Y, Kobayashi S, Sakamoto K, Iwasaki S, Chiba K, Tabata T, Kuruma S, Kamisawa T. Preoperative detection and handling of aberrant right posterior sectoral hepatic duct during laparoscopic cholecystectomy. // *J Hepatobiliary Pancreat Sci.* 2015 Jul; 22(7):558-62; Maddah G, Rajabi Mashhadi MT, Parvizi Mashhadi M, Nooghabi MJ, Hassanpour M, Abdollahi A. Iatrogenic injuries of the extrahepatic biliary system. // *J Surg Res.* 2017 Jun 1;213:215-221. doi: 10.1016/j.jss.2015.11.032.

Rochester, USA); ЛХЭ ўтказилган ўткир билиар патология билан беморларда конверсиялар кўрсаткичи ва асоратлар даражаси лапароскопияга ўқитилган сертификатланган хирургларда малака ошириш босқичларини ўтмаган хирурглардагига нисбати эндохирургия бўйича ихтисослаштирилган тренинг дастурларини ўтиш ушбу кўрсаткичларни камайиши олиб келишини кўрсатиши аниқланган (Division of Hepatobiliary Surgery, Centre Hospitalier Universitaire Sainte-Justine, Montreal, Canada); кўпчилик хирурглар бугунги кунда билио-билиар анастомозларда тикловчи прецизион технологияни қўллаган ҳолда бир қаторли прецизион сероз-мушак-шиллик ости чокини атравматик нинали сўрилувчи синтетик монофиламент тикув материали ёрдамида шакллантириши тадқиқотчилар фикрига кўра реконструктив-тикловчи амалиётларнинг энг мақсадга мувофиқ тури бўлиб ҳисобланиши кўрсатилган (Gastro-Hepatology Unit, Department of Medical Sciences, University of Torino, Turin, Italy).

Ҳозирги вақтда бутун дунёда амалиётдан аввалги тайёргарлик ав амалиёт вақтидаги тактика янги баённомаларини шакллантириш ҳамда мутахассисларни тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳисобига ЎТК билан беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган изланишлар давом этмоқда. Билиар хирургияда ўқув дастурлари ва шифокорларнинг малакасини оширишнинг аҳамияти ва роли масаласида ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, хирург-гепатологларни дипломдан кейинги ўқитиш ЛХЭда конверсиялар даражасини камайтиради, катта ҳажмдаги амалиётларни ўтказишда эса жигардан ташқари ЎЙ жароҳатлари билан боғлиқ бўлган асоратларнинг камайишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунга қарамай, эндовизуал билиар хирургияда чуқурлаштирилган тайёргарлик устунликларини асослаб бериш учун структуралаштирилган ўқув ва тренинг дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларнинг давом эттирилиши талаб қилинади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЛХЭ амалиёти вақтида асоратларнинг асосий сабабларидан “хирургларнинг амалиёт вақтида ортиқча шошилиши, жигар дарвозаси соҳасида анатомик структуралар идентификациясининг етарлича эмаслиги ва мураккаб клиник вазиятларда рационал амалиёт ҳажмини ошириб юбориш” ҳисобланади (Schreuder AM⁵). ЛХЭдан сўнг асоратларни даволашдаги омадсизликларнинг сабаблари эса ўз вақтида етарлича диагностиканинг ўтказилмаслиги ва ҳажми жиҳатдан адекват бўлмаган тикловчи-реконструктив амалиётни бажаришга билиар хирургияда етарлича тажрибаси бўлмаган хирургларнинг уриниши ҳисобланади. Gouma DJ⁶ маълумотларига кўра, “бундай амалиётлар беморлар ҳаёти учун хавф туғдирган ҳолда, ўтли перитонит, қорин ичи басцесслари, ташқи ўт оқмалари, жигар ўт йўллариининг чандиқли торайишлари каби оғир асоратларга олиб келади ва натижада механик сариқлик, холангит, жигар

⁵ Schreuder AM, Busch OR, Besselink MG, Ignatavicius P, Gulbinas A, Barauskas G, Gouma DJ, van Gulik TM. Long-Term Impact of Iatrogenic Bile Duct Injury. // Dig Surg. 2019 Jan 17:1-12. doi: 10.1159/000496432.

⁶ Gouma DJ, Callery MP. Bile duct injury: examining results of early repair by the index surgeon. // HPB (Oxford). 2017 Jan;19(1):1-2.

абсцесслари ва билиар цирроз шаклланиши мумкин”. Шундай қилиб, “жигардан ташқари ўт йўллари жароҳатлари билан беморларни олиб боришдаги муваффақият катта ихтисослашган тажриба ва аниқ хирургик маҳоратга боғлиқ бўлади” (Halbert C⁷).

Билиар хирургияда ўқув дастурлари ва шифокорлар малакасини оширишнинг роли ва аҳамияти борасида олиб борилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, “хирург-гепатологларнинг дипломдан кейинги таълими лапароскопик холецистэктомия вақтида конверсиялар даражасини камайтиради, катта ҳажмдаги амалиётларни бажариш вақтида эса жигардан ташқари ўт йўллари жароҳатлари билан боғлиқ бўлган асоратларнинг камайишига сезиларли таъсир кўрсатади” (Hafeez Bhatti AB⁸). Шунга қарамай, эндовизуал билиар хирургияда чуқурлаштирилган тайёргарлик устунликларини асослаб бериш учун структуралаштирилган ўқув ва тренинг дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларнинг давом эттирилиши талаб қилинади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, билиар хирургия цикли бўйича ихтисослаштирилган таълим аҳамиятига тааллуқли кўпчилик маълумотлар фақатгина ўткир холециститни даволаш натижаларини ўз ичига олган. “Шу сабабли, ЎТКнинг бошқа кўринишларини ҳам ўз ичига олган ҳолда тадқиқотларни давоам эттириш зарур» (Капоор ВК.⁹).

Адабиётлардаги маълумотларнинг ўтказилган таҳлили шуни кўрсатадики, ЎТК билан беморларни хирургик даволаш натижалари сезиларли яхшиланган, бунда мутахассисларни ўқитиш сифатини оширишни ҳисобга олган ҳолда жароҳалар профилактикаси асосий долзарб ва белгиловчи муаммо бўлиб қолмоқда. Шундан келиб чиқиб, бу оғир асоратлар фаол ёшдаги беморларда учраши ва узоқ муддатли меҳнат қобилиятини йўқотишга, ногиронлик ва ҳатто ўлимга сабаб бўлишини ҳисобга олган ҳолда, жигардан ташқари ўт йўллари жароҳатлари диагностикаси ва даволаш йўналишида тадқиқотларни давом эттириш истиқболли ва долзарб бўлиб ҳисобланади. Ушбу тоифадаги беморларни даволаш натижаларини кўп томонлама қиёсий ўрганишгина танланган хулосаларнинг тўғрилигини объектив баҳолаш, ятрогениялар сабабларининг омилли таҳлили эса бирламчи амалиётларда асоратлар профилактикасини ўтказиш имконини беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия-илмий амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режаларининг АДСС–15.3.1. «Жигардан ташқари ўт

⁷ Halbert C, Pagkratis S, Yang J, Meng Z, Altieri MS, Parikh P, Pryor A, Talamini M, Telem DA. // Beyond the learning curve: incidence of bile duct injuries following laparoscopic cholecystectomy normalize to open in the modern era. // Surg Endosc. 2016 Jun;30(6):2239-43.

⁸ Hafeez Bhatti AB, Dar FS, Zia H, Rafique MS, Khan NY, Salih M, Hassan Shah N. Prognostication of Learning Curve on Surgical Management of Vasculobiliary Injuries after Cholecystectomy. // Int J Hepatol. 2016;2016:2647130.

⁹ Kapoor VK. 'Colleagueography' in place of cholangiography, to prevent bile duct injury during laparoscopic cholecystectomy. // J Minim Access Surg. 2019 Jul-Sep; 15(3):273-274.

йўллари ятроген жароҳатлари диагностикаси ва хирургик даволашнинг такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий илмий лойиҳаси (2015-2017йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лапароскопик холецистэктомия вақтида асоратларнинг ривожланиши сабабларининг синчков таҳлили, улар профилактикасининг диагностик ва амалиёт тактик-техник жиҳатларини стандартлаштириш ҳамда ихтисослаштирилган ўқув-таълим дастурларини устувор ривожлантириш йўллари танлаш орқали ўт тош касаллигини хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЛХЭ асоратлари структураси, частотаси ва ривожланишининг энг эҳтимол бўлган сабабларини аниқлаш;

ЛХЭ ҳаёт учун хавфли асоратларининг асосий гуруҳларини ажратиш ва улар ривожланиш хавфининг омилли таҳлилинини ўтказиш;

ЛХЭдан сўнг қон кетишлар ривожланишининг амалиётдан олдин ва амалиёт вақтидаги башоратчи белгиларининг прогностик аҳамиятини ва ўз вақтида уларнинг олдини олиш потенциал имкониятларини баҳолаш;

ЛХЭ бажарилишида ўт йўллари жароҳатларининг клиник, анатомик, тактик-техник, эмоционал-рухий ва бошқа сабаб-оқибат муносабатларининг синчков таҳлилинини ўтказиш;

амалиётдан кейин ташқи ўт оқиши ривожланишининг частотасини аниқлаш ва ЛХЭдан сўнг унинг ривожланиш сабабларини тизимлаштириш;

резидуал холедохолитиаз частотасини, унинг ЛХЭдан сўнг ўтнинг ташқарига оқиши ривожланишидаги аҳамиятини аниқлаш;

ЛХЭ асоратлари профилактикаси бўйича таклиф этилган тактик алгоритмлар самарадорлигини баҳолаш;

ўт йўлларидаги лапароскопик амалиётлар йўналишида хирурглар малакасини ошириш ўқув-таълим дастурини ривожлантиришнинг устуворликлари ва йўналишларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” Давлат муассасасида 2005 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда ЛХЭнинг турли асоратлари билан даволанган 465 нафар бемор, улардан 366 таси республиканинг бошқа клиникаларидан амалиётдан кейин ривожланган асоратлар билан келган беморлар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети ЛХЭ бажаришдаги турли асоратлар ривожланишининг асосий сабабларининг омилли таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланилди: клиник, инструментал (динамик УТТ, рентгенография), биокимёвий, нурли, эндоскопик ва статистик таҳлил усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

лапароскопик холецистэктомия турли асоратлари ривожланишининг амалиёт техник жиҳатлари, ангиобилиар архитектоника анатомик хусусиятлари, ўт тош касаллигининг асоратларига боғлиқ бўлган клиник-

патогенетик хусусиятлари, ёндош касаллик ва хирургнинг тажрибаси омилига ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

лапароскопик холецистэктомияда турли асоратлар ривожланишининг клиник-лаборатор ва тактик-техник хавф омиллари тизимлаштирилган ва уларнинг асоратлар турли гуруҳлари (қон кетиш, ўт оқиши, ўт йўллариининг жароҳати ва резидуал холедохолитиаз) учун аҳамият даражаси аниқланган;

лапароскопик холецистэктомияда ўт оқиши ривожланишининг клиник-патогенетик жиҳатлари аниқланган ва ушбу асорат намоян бўлишининг ўт йўллари ятроген жароҳати, резидуал холедохолитиаз ёки бошқа этиологияли холестазага боғлиқ бўлган механик сариқлик билан сабаб-оқибат муносабатлари аниқланган;

амалиёт вақтида ўт қопи йўлини ажратиш пайтида ёки уларни аввалдан бажарилган эндоскопик литоэкстракциядан сўнг тошларнинг қайта миграцияси резидуал холедохолитиаз сабаблари орасида асосий патогенетик механизм эканлиги, ўз навбатида, клиник белгилар бўлмагани ҳолида холестаза синдромининг мавжудлиги ушбу асоратнинг махсус патогномоник белгиси бўлиб ҳисобланиши исботланган;

эндовизуал билиар хирургиянинг амалий кўникмаларига назарий тайёргарлик ва тор ихтисослашган ўқитиш натижаларига кўра хирург рейтингини малакали баҳолашнинг асосий таркибий қисмлари аниқланган;

ўт тош касаллиги эндовизуал хирургияси масалалари бўйича дипломдан сўнгги ихтисослашган таълим дастурининг татбиқ этилиши ҳамда асоратлар профилактикасининг таклиф этилган тактик алгоритмлари амалиёт бажарувчи хирургларнинг малакали рейтингини сезиларли яхшилаш ва республикада лапароскопик холецистэктомия асоратлари сонини камайтириш имконини бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

лапароскопик холецистэктомия бажариш вақтида турли асоратлар ривожланиши профилактикасининг диагностик ва амалиёт тактик-техник йўналишлари аниқланган;

лапароскопик холецистэктомияда ўт йўллари жароҳати, амалиётдан кейинги қон кетиш, ўт оқиши ва резидуал холедохолитиаз частотасини камайтириш имконини берувчи периперацион даврда диққат қаратилиши лозим бўлган алоҳида хавф омиллари ажратилган;

амалиётга қадар ташхис қўйилмаган ҳамда лапароскопик холецистэктомия вақтида холедохга ўтиб кетган тошлар билан боғлиқ бўлган холестаза, ўт йўллари ятроген жароҳатини аниқлашга урғу берилган ҳолда эндовизуал хирургиядаги асоратлар профилактикасининг тактик алгоритми ишлаб чиқилган;

холестаза синдромининг клиник белгилари мавжуд бўлмаган беморларда амалиётдан аввал холедохолитиазни аниқлаш самарадорлигини ошириш учун ташхислашнинг тактик алгоритми татклиф этилган;

мутахассиснинг илмий даражаси, тажрибаси, хирургик фаоллиги, назарий ва амалий тоифасини баҳоловчи бешта мезондан иборат бўлган хирургнинг рейтинг шкаласи таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий диагностика ва даволаш усулларини қўллаш, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш билан асосланган. Тадқиқот етарли миқдордаги клиник материалда ўтказилган. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари ЎЙ жароҳатлари профилактикасига замонавий илмий-амалий тушунчалар ва ёндашувларга асосланган. Кўриб чиқилган вазифаларнинг ечими тиббий статистиканинг замонавий синалган усуллари ёрдамида бажарилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг олинган натижалари лапароскопик холецистэктомияни бажариш вақтида турли асоратлар ривожланиши профилактикасининг диагностик ва амалиёт тактик-техник йўналишлари аниқлашга сезиларли ҳисса қўшади, хирургнинг эндовизуал билиар хирургия бўйича назарий тайёргарлиги ва амалий кўникмаларга тор ихтисослашган ўқитилиши натижаларига кўра малака рейтингини баҳолашнинг асосий таркибий қисмлари белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, лапароскопик холецистэктомия вақтида турли асоратлар ривожланишининг клиник-лаборатор ва тактик-техник хавф омиллари тизимлаштирилган ва уларнинг асоратлар турли гуруҳлари (қон кетиш, ўт оқиши, ўт йўллариининг жароҳати ва резидуал холедохолитиаз) учун аҳамият даражаси аниқланган, шунингдек эндовизуал хирургияда асоратлар частотасини камайтириш имконини берган тактик алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўт йўллари ятроген жароҳатлари частотасини камайтириш ҳисобига кўрсатилаётган юқори технологик хирургик ёрдам сифатини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Жигардан ташқари ўт йўллари реконструктив-тикловчи хирургиясининг замонавий принциплари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 3н-з/194-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар ўт йўллари жароҳатлари турли клиник хавф омилларининг таъсирини аниқлаш, бу эса, ўз навбатида, амалиётдан олдинги тайёргарлик сифатини яхшилаш ва амалиёт вақтида тактик-техник жиҳатларни оптималлаштириш ҳисобига ятроген жароҳатлар частотасини қисқартириш имконини берган;

ўт йўллари ятроген жароҳатлари частотасини камайтириш ҳисобига кўрсатилаётган юқори технологик хирургик ёрдам сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг Нукусдаги филиали, Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 ноябрдаги 3н-з/194-сон маълумотномаси). Ўт тош касаллиги эндовизуал хирургиясининг муҳим масалалари бўйича ихтисослаштирилган дипломдан кейинги таълим

дастурининг татбиқ этилиши ҳамда асоратлар профилактикасининг таклиф этилган тактик алгоритмлари амалиёт бажарувчи хирурглар рейтингини ошириш ва лапароскопик холецистэктомияда асоратлар эҳтимолини билиар хирургия мутахассислари орасида 0,40% дан 0,13% гача, 5 йилдан ортиқ тажрибали хирурглар орасида 0,86% дан 0,29% гача ва 5 йилдан кам тажрибали хирурглар ўртасида 2,72% дан 0,98% гача камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 8 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 11 та мақола, улардан 7 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти боб, натижалар, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 171 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсадлари ва асосий вазифалари шакллантирилган, объектлар ва предметлар тавсифланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг устувор мавзулар режаларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган илмий ва амалий натижаларнинг аҳамияти, илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жигардан ташқари ўт йўли реконструктив ва тиклаш хирургиясида нуқтан назарлар эволюцияси ва замонавий тенденциялар**», деб номланган биринчи бобида турли муаллифларнинг жигардан ташқари ўт йўллариининг жароҳатларини ташхислашга қарашлари таҳлил қилинган, жигардан ташқари ўт йўллари реконструктиву-тикловчи хирургиясининг фундаментал принциплари ёритилган.

Жигардан ташқари ўт йўллари реконструктив хирургияси билан шуғулланувчи маҳаллий ва хорижий мутахассислар лапароскопик холецистэктомиянинг татбиқ этилиши ўт йўллари жароҳатлари частотасининг очик усулдаги холецистэктомияга нисбатан 2-4 бораборга ортганлигини таъкидлайдилар. Шифокорлар малакасини билиар хирургияда бўйича малакасини ошириш ҳамда ўқитиш дастурларининг роли ва аҳамиятига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шифокорларнинг билиар хирургия йўналишида малакасини ошириш ва ўқитиш дастурларининг аҳамияти борасидаги адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, хирург-

гепатологларнинг дипломдан сўнгги таълими лапароскопик холецистэктомиядаги конверсиялар сонини камайтиради, катта ҳажмдаги амалиётларни бажариш вақтида эса жигардан ташқари ўт йўллариининг жароҳатлиниши билан боғлиқ бўлган асоратларнинг сезиларли камайишига таъсир қилади. Шунга қарамай, эндовизуал билиар хирургияда чуқурлаштирилган тайёргарликнинг устунликларини янада асослаб бериш учун структуралаштирилган ўқув ва тренинг дастуурларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарур.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг тавсифи ва қўлланган текширув усуллари**», деб номланган иккинчи бобда тадқиқотнинг икки йўналиши тавсифланган. Биринчи йўналиш «Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида даволанган 465 нафар, шу жумладан, бошқа клиникалардан келган 366 нафар, беморларда ЛХЭнинг турли асоратларининг ривожланиши асосий сабабларининг омилли таҳлилинини ўтказишга асосланган. Турли омилларнинг прогностик аҳамиятини баҳолаш учун тадқиқотнинг иккинчи қисми «Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида даволанган ва гуруҳларга ажратилган 99 нафар беморни ўз ичига олган. Шундай қилиб, таққослов гуруҳида 2005 йилдан 2014 йилгача даврда амалиёт бажарилган 8532 нафар бемордан ЛХЭнинг асоратлари кузатилган 87 та беморнинг таҳлилига асосланган. Асосий гуруҳда 2015-2018 йилларда ЛХЭ бажарилган 3572 нафар таҳлил этилган, улардан 12 тасида асоратлар кузатилган.

Ташхисланган асоратлар ичида (1-жадвал) қорин ичи қон кетишлар 5,4% (25 та бемор), гепатикохоледох (ГХ) жароҳати ва холедохолитиаз бўлмаган ҳолда ўт оқиши 9,0% (42 та бемор), ГХ янги жароҳати 33,1% (154 та бемор) ва резидуал холедохолитиаз 52,5% (244 та бемор) ҳолларда аниқланган. Эътибор бериш лозимки, жадвалда «Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида ва бошқа клиникаларда кузатилган асоратлар кўрсатилган.

1-жадвал

Асоратларга кўра беморларнинг тақсимланиши

Асоратлар	Бошқа клиникалар		РИХИАТМ		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Қорин ичи қон кетиши	1	0,22%	24	5,16%	25	5,4%
ГХ жароҳати ва холедохолитиаз бўлмасдан ўт оқиши	11	2,37%	31	6,67%	42	9,0%
ГХ янги жароҳати	136	29,25%	18	3,87%	154	33,1%
Резидуал холедохолитиаз	218	46,88%	26	5,59%	244	52,5%
Жами	366	78,71%	99	21,29%	465	100%

Қуйидаги диагностик текширув усуллари қўлланган: клиник фиўзикал, коннинг умумий ва биокимёвий таҳлиллари, рентгенологик текширув, УТТ, ЭГДФС, МСКТ, МРТ ва холангиография. Статистик таҳлил ўтказишда стандарт дастурий қўлланмада маълумотлар матричасидан фойдаланилган («MS Excel-XP»).

Диссертациянинг «**Лапароскопик холецистэктомия асоратларининг структураси ва сабабларининг омилли таҳлили**», деб номланган учинчи бобининг биринчи бўлимида ЛХЭнинг эрта махсус асоратларининг структураси ва ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинган. ЛХЭ махсус асоратларининг асосий гуруҳи уларнинг частотаси ва ривожланиш сабабларининг стратификацияси борасида кўриб чиқилган. Бирламчи амалиёт вақтида ГХ янги жароҳатларининг 90% қисми пайқамай қолиниши сабабли, холецистэктомия вақтида ушбу асорат сабабларининг омилли таҳлилни ўтказиш принципиал аҳамият касб этади. Шунини таъкидлаш лозимки, ўт оқиши, механик сариклик, билома, ўтли перитонит, жигар ости ва диафрагма ости абсцесслари каби бошқа постхолецистэктомик асоратларнинг кўпчилиги амалиёт вақтида жигардан ташқари ўт йўллариининг жароҳати билан чамбарчас боғлиқдир.

ЛХЭнинг махсус қорин ичи асоратлари ичида қорин ичи қон кетиши ажратилиб, у кам фаолликда кечганида қорин бўшлиғида геморагик сақланманинг тўпланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Унинг инфекцияланишида эса перитонит, жигар ости ва диафрагма ости абсцесслари каби йирингли-септик асоратлар ривожланади. Резидуал холедохолитиаз ЛХЭдан кейинги мустақил асорат сифатида учраши холедохдаги тошларнинг амалиётдан олдин ҳам, амалиёт вақтида ҳам аниқланмай қолиниши билан боғлиқ ёки баъзида ўт йўлларидаги димланиш ва инфекцияланиш оқибатида янгидан ҳосил бўлиши мумкин. Ўз навбатида, резидуал холедохолитиаз билан боғлиқ равишда механик сариклик, билома, троакар жароҳатларнинг йиринглаши, ўт оқиши ва ўтли перитонит бўлиши мумкин.

Амалиётдан кейинги илк даврда ташқарига ўт оқиши мустақил муаммо сифатида ўт қопи чўлтоғининг етишмовчилиги, ўт қопи ўриндиғида аберрант жигар-ўт қопи йўллариининг борлиги ёки ГХ га ўрнатилган найчанинг чиқиб кетиши сабабли кузатилиш мумкин. Ўтнинг оқиши эса кўпгина бошқа асоратларга олиб келиши мумкин (ўтли перитонит, билома, жигар ости ва диафрагма ости абсцесслари).

Шундай қилиб, барча асоратлар ўзаро боғлиқ бўлиши мумкин, масалан, қон кетиш ва гемоперитонит ёки қориш бўшлиғи абсцессларининг шаклланиши ва х.к. Бироқ, ЛХЭнинг ўзича алоҳида ривожланиши мумкин бўлган тўрт гуруҳ асоратлари ажратилган:

- Амалиётдан кейинги қон кетиш;
- Ўт йўллариининг жароҳати;
- Ўт оқиши;
- Резидуал холедохолитиаз.

Саккизта омил ажратилди. Ўтказилган омилли таҳлил натижасида ЛХЭ учун махсус асоратлар ривожланиш хавфи турли омилларининг прогностик аҳамияти аниқланди ва тўрт гуруҳга бўлинди:

Аҳамиятсиз омиллар – у ёки бу асоратнинг ривожланида махсус аҳамияга эга бўлмаган омиллар, омилли таъсири 0,30% дан кам;

Мушкуллаштирувчи омиллар – амалиётга қадар аниқлаш мумкин бўлган ёки (ва) амалиётнинг техник қийинчиликлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган ЛХЭ бажарилишини мушкуллаштирувчи омиллар у ёки бу асоратнинг ривожланида махсус аҳамияга эга бўлмаган омиллар, омилли таъсири 0,31%-1,00%;

Хавфи минимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар – ЛХЭ бажарилишининг техник жиҳатларини мушкуллаштирувчи омиллар, омилли таъсири 1,01%-2,00%;

Хавфи максимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар – бемор ҳолатининг оғирлиги, анатомик шароитнинг мураккаблиги ва ЛХЭ бажарилишининг техник жиҳатларини мушкуллаштирувчи омиллар, омилли таъсири 2,00% дан юқори.

Иккинчи бўлим ЛХЭдан сўнг қон кетиш сабабларининг таҳлиliga бағишланган. Белгиланган омилларга кўра таҳлил ўтказилган. Тадқиқотимиз натижаларига кўра, ЛХЭдан кейин қон кетишлар билан «Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» Давлат муассасасида кузатилган 25 та бемордан 7 та (28%) беморда ўт қопи артерияси клипининг етишмовчилиги қон кетишга сабаб бўлган (2-жадвал).

2-жадвал

Қон кетиш сабаби ва қўлланган чораларга кўра беморлар тақсимланиши

Сабаб	Қайта амалиёт		Консерватив		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Ўт қоп артерияси клипи етишмовчилиги	7	28,0%	0	0,0%	7	28,0%
Ўт қоп артерияси клипи кесиб ўтиши (металлга аллергия)	2	8,0%	0	0,0%	2	8,0%
Қўшимча артерия	2	8,0%	0	0,0%	2	8,0%
Гепатодуоденал боғлам (ГДБ) варикоз веналари	2	8,0%	1	4,0%	3	12,0%
Бошқалар*	3	12,0%	8	32,0%	11	44,0%
Жами	16	64,0%	9	36,0%	25	100%

Изох: * - бошқалар (ўт қопи ўриндиғи, ГДБ) – қон кетиш сабаби аниқланмаган, найча орқали қунига 100-200мл қон келиши кузатилган ва мустақил тўхтаган.

Барча ЛХЭлар (11807 та) ичида қон кетиш частотаси 0,20% (24 та бемор)ни ташкил қилди, улардан 0,13% ида (15 таси)профуз қон кетиш туфайли қайта амалиёт бажарилган ва 0,08% (9та) беморда консерватив қон тўхтатилган. Ўз навбатида, ЛХЭдан сўнг қон кетиш хавфи даражаси аҳамиятсиз омиллар мавжудлигида $0,16\pm 0,02\%$, мушкуллаштирувчи омиллар мавжудлигида – $0,52\pm 0,05\%$ ($t=6,68$; $P<0,001$), хавфи минимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар мавжудлигида – $1,28\pm 0,11\%$ ($t=6,29$; $P<0,001$) ва хавфи максимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар мавжудлигида – $3,30\pm 0,39\%$ ($t=4,88$; $P<0,001$)ни ташкил қилган.

Учинчи бўлимда ЛХЭ вақтида ўт йўллари жароҳатининг хавф омиллари аниқланган. Тадқиқотларимизга кўра, 11807 та бемордан 154 тасида (1,3%) жигардан ташқари ўт йўлларининг турли жароҳатланишлари кузатилган. Улардан 51 таси (33,1%) амалиёт вақтида, 103 таси (66,9%) эса амалиётдан кейинги илк даврда аниқланган. Барча ЛХЭ (11807 та) таркибида ўт йўлларининг жароҳатланиш частотаси 0,15% ни ташкил қилиб, улардан 0,12% (14 та) амалиёт вақтида ва 0,03% (4 та) амалиётдан кейинги илк даврда аниқланган. Ўз навбатида, ЛХЭда ўт йўллари жароҳатланиш хавфи даражаси аҳамиятсиз омиллар мавжудлигида $0,12\pm 0,02\%$, мушкуллаштирувчи омиллар мавжудлигида – $0,51\pm 0,08\%$ ($t=4,72$; $P<0,001$), хавфи минимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар мавжудлигида – $1,37\pm 0,15\%$ ($t=5,06$; $P<0,001$) ва хавфи максимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар мавжудлигида – $3,60\pm 0,77\%$ ($t=2,84$; $P<0,01$)ни ташкил қилган.

Тўртинчи бўлимда ўт оқшининг ЛХЭнинг мустақил асорати сифатида ривожланиш сабаблари ва хавф омилларининг таҳлили ўтказилган. Мустақил асорат сифатида ўтнинг ташқарига оқшиши ЛХЭдан сўнг 42 та беморда кузатилиб, 9 нафарига (21,4%)қайта амалиёт бажарилган ва 33 та (78,6%) ҳолатда консерватив даво самарали бўлган. Барча ЛХЭ (11807 та) таркибида ўт оқшининг частотаси 0,26% (31 та бемор)ни ташкил қилиб, улардан 0,03% (3 таси)да перитонит туфайли қайта амалиёт бажарилган ва 0,24% (28 та) ҳолатда ўз-ўзича тузалишга эришилган. Ўз навбатида, ушбу асоратнинг хавф даражаси аҳамиятсиз омиллар мавжудлигида $0,15\pm 0,03\%$, мушкуллаштирувчи омиллар мавжудлигида – $0,49\pm 0,05\%$ ($t=5,83$; $P<0,001$), хавфи минимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар мавжудлигида – $1,42\pm 0,13\%$ ($t=6,68$; $P<0,001$) ва хавфи максимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар мавжудлигида – $3,47\pm 0,47\%$ ($t=4,20$; $P<0,001$)ни ташкил қилган.

Бешинчи бўлим ЛХЭдан сўнг резидуал холедохолитиаз хавфининг омилли таҳлилига бағишланган. Резидуал холедохолитиаз барча ЛХЭдан (11807 та) сўнг 0,22% (26 та бемор)да кузатилиб, улардан 2 тасига (0,02%) қайта амалиёт бажарилган, 24 тасига (0,20%) эса эндоскопик литоэкстракция усули самарли бўлган. Ўз навбатида, ушбу асоратнинг хавф даражаси аҳамиятсиз омиллар мавжудлигида $0,14\pm 0,02\%$, мушкуллаштирувчи омиллар мавжудлигида – $0,54\pm 0,04\%$ ($t=8,94$; $P<0,001$), хавфи минимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар мавжудлигида – $1,31\pm 0,14\%$ ($t=5,29$; $P<0,001$) ва хавфи максимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар мавжудлигида – $3,64\pm 1,12\%$ ($t=2,06$; $P<0,05$)ни ташкил қилган.

Диссертациянинг «Лапароскопик холецистэктомия асоратлари хавф омилларининг прогностик аҳамиятини аниқлаш ва уларнинг профилактика йўллари», деб номланган тўртинчи бобининг биринчи бўлими ЛХЭ бажариш вақтида турли асоратлар хавфи омилларининг жамланма таҳлилига бағишланган. Иккинчи бўлимда ЛХЭ бажаришдаги асоратларнинг профилактика йўллари келтирилган. Ўтказилган тадқиқотлар кўйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлди:

ЛХЭда асоратлар ривожланиши хавфи асосий омиллари таркибида етакчи ўринни ЎТК асоратлари эгаллайди – 69,0% (465 та бемордан 321 таси), амалиётнинг техник жиҳатлари – 63,2% (294 та), анатомик хусусиятлар – 57,8% (269 та) ва ёндош касалликлар – 25,4% (118 та), шулардан 54,4% (253 та) ҳолатда ўт оқиши, қон кетиш ва резидуал холедохолитиаз хирург тажрибасининг камлиги билан боғлиқ бўлган.

ЛХЭда (11807 та) асосий асоратлар ривожланиш жамланма хавфи 0,8% ни (99 та бемор) ташкил қилди, ундан 0,15% (18 та) ҳолатда ўт йўллари жароҳати, қолган 0,79% ҳолатларда қон кетиш (0,20%, ундан 0,13% беморда қайта амалиёт зарурати), ўт оқиши (0,26%, ундан 0,03% қайта амалиёт) ва резидуал холедохолитиаз (0,22%, ундан 0,02% қайта амалиёт) кузатилган, натижада қайта амалиётлар 0,17% беморда, қолган 0,52% да эса консерватив даволаш ўтказилган. Ўз навбатида, ЛХЭдан кейин барча асоратлар хавфи даражасининг аҳамият даражаси мушкуллаштирувчи омиллар мавжудлигида $0,70 \pm 0,05\%$, хавфи минимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар мавжудлигида – $1,38 \pm 0,16\%$ ($t=4,06$; $P<0,001$) ва хавфи максимал бўлган мойиллик туғдирувчи омиллар мавжудлигида – $5,68 \pm 0,78\%$ ($t=5,40$; $P<0,001$)ни ташкил қилган.

Диссертациянинг «Билиар хирургия цикли бўйича мутахассисларнинг дипломдан кейинги таълими учун унификацияланган дастурни ишлаб чиқиш», деб номланган бешинчи бобида кўрсатилишича, замонавий лапароскопик амалиётлар ҳозирда техник такомиллаштириш босқичида бўлиб, уларни амалий ўргатишнинг умумий қабул қилинган услуби ҳанузгача мавжуд эмас. Шундай қилиб, кўпчилик эндовизуал хирургларни тайёрлаш нисбатан тажрибали хирургларнинг муайян ҳаракатларини такрорлаш принципи бўйича ўтказилади, бу эса деонтология принципларини бузиган ҳолда паст самарадорликка эга.


Кўришиб турибдики, муаммонинг ечими мақсадга қаратилган тадқиқотларга боғлиқ – эндовизуал хирургларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самаралироқ технологияларини ишлаб чиқиш, замонавий талабларга мос равишда уларнинг малакасини ошириш. Мавжуд бўлган таълим дастурларини ҳар бирининг ўз устунликлари ва камчиликлари бор. Мутахассисларнинг айтишича, хирурглар томонидан виртуал моделларда дастлабки ва даврий тренинг машғулотларининг ўтиб турилиши бемор учун амалиёт хавфини сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Хирургни замонавий ўқитиш учта нарсага асосланиши зарур:

1. Назарий курс;
2. Симуляцияли тренинг;

3. Клиник ўқитиш.


Бугунги кунда Ўзбекистонда эндовизуал гепатологияда хирургларнинг маҳоратини объектив баҳолашнинг умумий қабул қилинган тизими мавжуд эмас. Шу сабабли, мақсадга йўналтирилган унификацияланган таълим дастурининг татбиқ этилиши муҳим ҳисобланади, у эса фаолият юритиш учун зарур бўлган кўникмалар тўпламига эга бўлган юқори малакали мутахассисларни етиштириш имконини беради.

Бобнинг иккинчи бўлими ЎТК лапароскопик хирургияси асоратларининг тиббий-ижтимоий муаммолари ва эпидемиологиясини акс эттиради. Дипломдан кейинги таълимни ўтаган хирурглар сони ва минтакаларда бажарилаётган амалиётлар ўртасида мутаносиблик йўқлиги таъкидлаб ўтилади. Келтирилган маълумотлар хирург рейтингини баҳолаш ҳамда амалиёт хавфининг объектив мезонларини баҳолаган ҳолда, лапароскопик амалиётни бошлаш имконини берувчи янги тизимини яратиш зарурати мавжудлигини англатади. Шу сабабли, шу бобнинг учинчи бўлими дипломдан кейинги таълимни ҳисобга олган ҳолда хирург рейтингини баҳолаш шкаласи ва амалиёт хавфини аниқлашни такомиллаштиришни тақдим этади. Асорат ривожланишига мойиллик яратувчи минимал хавф омилларининг мавжудлиги юқори рейтингга эга хирург томонидан амалиёт бажарилишини тақозо қилади (1-расм).



1-расм. Асоратлар хавф омиллари ва хирург рейтингига боғлиқ равишда ЛХЭ бажариш тактик алгоритми

2-расмда кўрсатилганидек, ЛХЭга тайёргарлик мобайнида амалиёт вақтида ва ундан кейинги даврда қон кетиш хавф омилларини назарда тутиш лозим.




2-расм. ЛХЭдан сўнг қон кетишлар профилактикаси тактик алгоритми

Ушбу асоратнинг ривожланишига қуйидагилар мойиллик қилиши мумкин: металлга аллергиянинг мавжудлиги туфайли пластик клипларнинг қўлланиши; билвосита антикоагулянтларни қабул қилишни тўхтатилганида ҳолида амалиётдан аввалги 3 кун давомида паст молекулали гепарин қўллаш; холедохолитиаз ва механик сариклик туфайли эндоскопик литоэкстракция ўтказилиши (бунда узоқ муддатли холестааз ва жигар етишмовчилиги туфайли ўзгарган клиник-биокимёвий кўрсаткичлар меёрлашганидан сўнг, жигар етишмовчилиги кузатилмаганида эса – умумий билирубин даражаси 40мкмоль/л дан паст бўлганида ЛХЭ бажарилгани маъқул). Қон кетишинг сабабчилари бўлиб, одатда, ўт копи буйинчаси ва ГДБнинг унга яқин қисми, ўт копи артерияси (ЎҚА), ўт копи ўриндиғи хизмат қилиши мумкин. Портал гипертензия синдромида варикоз кенгайган веналар мавжудлигида аввал уларни ажратиб, клиплаш ва амалиётни давом эттириш тавсия этилади. Бўйинча қисмида яллиғланиш инфилтрати ёки битишма жараёни аниқланганида, уларни ажратиш имкони бўлса, амалиёт давом эттирилади. Агар, кучли битишмаларни ажратиш қон йўқотиш билан кечса, конверсия бажарилади. ЎҚА қон кетиш сабабчиси бўлганида, уни аниқ ажратиб, клипланади (ЎҚА ўзани калта бўлганида коагуляция қўлланмайди) ва турғун гемостаз ҳолатида амалиёт яқунланади, гемостазга шубҳа бўлганида эса конверсия бажариш лозим.

ЎҚА аниқланмасдан, қон кетиш кузатилмаса, Кало учбурчаги (ўнг жигар ўт йўли, лимфа тугуни) ва ГДБ таркибий қисмлари кўздан кечирилади ва ЎҚА аниқланса, клипланади (ЎҚА ўзани калта бўлса – коагуляция қилинмайди); агар ЎҚА чўлтоғи аниқланмаса, гемостаз турғун бўлса, амалиёт яқунланади. Агар, ЎҚА аниқланмаса ва унинг тахминий соҳасидан қон ажралиши кузатилса, қайта ревизия ўтказилади (3-10 дақиқа) ва турғун гемостазга эришилган тақдирдагина амалиётни яқунлаш мумкин, акс ҳолда эса конверсия бажариш зарур. ЎҚА идентификация қилинса ва унинг соҳасидан қон кетаётган бўлса уни клипланади (ЎҚА ўзани калта бўлса – коагуляция қилинмайди); турғун гемостаз ҳолатида амалиёт яқунланади, шубҳа туғилганида эса конверсия бажарилади.

Холестааз ва механик сариклик ЎТКнинг кўп учрайдиган асоратларидан ҳисобланади (3-расм). Агар бундай асорат бўлмаган беморга ЛХЭ бажарилиш вақтида умумий ўт йўлининг кенгайиши аниқланса, ўт гипертензиясига синама ўтказилади. Унинг манфий натижасида амалиёт давом эттирилади. Агар, синама ижобий бўлса, умумий ўт йўлини Пиковский усулида найчалаш зарур.

Операция вақтида ўт пуфаги ва ўт йўллари атипик анатомияси, Мириizzi синдроми, инфилтрат ёки аниқланган чандикли жараёнлар, деструктив холецистит каби асоратлар аниқланганда, ўт пуфак йўлини батафсил тафтиш қилиб чиқиш, сўнгра клиплаш ва операцияни давом эттириш зарур бўлади (4-расм). Агар ўт пуфак йўли идентификация қилишни имкони бўлмаса, конверсия қилишга тўғри келади. Агар қисқа ўт пуфак йўли аниқланса, ўт пуфакда йўл ирмоғини тўхтатиш билан клиплаш амалга оширилади.




3-расм. ЛХЭда резидуал холедохолитиаз профилактикаси тактик алгоритми

Агар ЎТК беморларда ўт йўллари ёки ўт пуфаги атипик анатомияси, Мириizzi синдроми, инфильтрат ёки намоён бўлган чандиқли жараён ёки деструктив холецистит аниқланса, босқичма-босқич ҳолда найчали структураларни ажратиш амалга оширилади (5-расм). Агар қон кетиши ёки битишмағчандиқларнинг зичлиги туфайли ажратиш қийин бўлса, конверсияга мурожаат қилишга тўғри келади.

